

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**32-сон**  
**(116)**  
**2004 й.**  
**август**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуққий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Учинчи бўлим*

363. «Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-худудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотларга ва бошқа топонимик объектларга ном бериш ишларини тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 августдаги 383-сон қарори
364. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 августдаги 384-сон қарори
366. «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 августдаги 387-сон қарори
367. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 22 январдаги 37-сон қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 13 августдаги 390-сон қарори
368. «Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш

тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 13 августдаги 391-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

369. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 17 июлдаги 15/3-сонли қарори (янги таҳрирда). (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 13 августда 773-17-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 7 августдан 13 августгача бўлган маълумот

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **363** Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотларга ва бошқа топонимик объектларга ном бериш ишларини тартибга солиш тўғрисида

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида миллий ўзликни англаш, қадриятларимизни ҳаётга қайтариш, собиқ коммунистик тузум даврида асоссиз равишда ўзгартириб юборилган кўплаб қадимий жой номларини тиклаш борасида катта ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Шу билан бирга, таъкидлаш керакки, бу муҳим масалада айрим хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Хусусан, баъзи жойлардаги топонимик объектларнинг эски тузум ва шўро мафқурасини эслатадиган, халқимиз тарихи ва миллий анъаналарига ёт бўлган номлари ҳаму сақланиб қолмоқда. Аҳоли пунктларининг, кўча ва майдонларнинг тарихий номларини ўзгартириш билан боғлиқ ишларда лоқайдлик, масъулиятсизлик ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Бу борадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросини таъминлаш, топонимик объектларга ном бериш ишларини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг топонимик объектлар номларини тартибга солиш борасидаги ишлари талаб даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилсин.

2. Ўзбекистон Республикасидаги топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи Республика комиссиясининг таркиби 1-иловага\*, ушбу комиссия тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республика комиссиясининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги табиий-жуғрофий ва бошқа топонимик объектларга ном бериш ҳамда илгари берилган номларни ўзгартириш ишларини тартибга солиш;

халқимизнинг қадимий ўтмиши ва қадриятлари билан боғлиқ жойларнинг тарихий номларини муҳофаза этиш, уларнинг асоссиз равишда ўзгартирилишининг олдини олиш;

жой ва объектларнинг тарихий-миллий анъаналаримизга, миллий тафаккур ва маънавиятимизга ёт бўлган номларини ўзгартириш;

янги қўйилаётган жой номлари ўзбек тили топонимия қоидаларига, миллий истиқлол ғояси талабларига мос бўлишини таъминлаш;

жойларга ном беришда маҳаллийчилик, таниш-билишчилик, мансабини суиистеъмол қилиш ҳолатларига йўл қўймаслик.

\* 1-илова берилмайди.

4. Республика комиссиясига бир ой муддатда белгиланган талаблар асосида топонимик объектларнинг номларини ўзгартириш ва тартибга солишга оид тавсияларни ишлаб чиқиш ва жойларга юбориш вазифаси топширилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ҳузурида топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича махсус комиссия ташкил этилсин. Мазкур комиссияга Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги топонимик объектларга ном бериш масалаларини ҳал қилиш ҳуқуқи берилсин.

6. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳузурида топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссиялар ташкил этилсин. Мазкур комиссияларнинг таркибига тарихчи ва тилшунос олимлар, ҳуқуқшунослар, тегишли мутахассислар, жамоатчилик ва маҳаллий бошқарув идоралари вакиллари киритилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, маҳаллий ҳокимият органларининг (Қорақалпоғистон Республикасидан ташқари) объектларга кишиларнинг номини бериш ҳақидаги таклифлари Ўзбекистон Республикасидаги топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

8. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳузурида ташкил этилган ҳудудий комиссияларга 2004 йилнинг охирига қадар шу ҳудудлардаги топонимик объектлар номларини қайта кўриб чиқиш, эски тузум давридан сақланиб қолган, халқимиз тарихи ва анъаналари билан боғлиқ бўлмаган жой номларини ўзгартириш юзасидан Республика комиссиясига таклифлар киритиш вазифаси топширилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш тўғрисида» 1996 йил 31 майдаги 203-сон қарорининг 2-банди ва 5-банднинг иккинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 11 август,  
383-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 11 августдаги 383-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасидаги топонимик объектларга  
ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи Республика  
комиссияси тўғрисида  
НИЗОМ**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги табиий-жуғрофий ва бошқа топонимик объектларга ном бериш ҳамда илгари берилган номларни ўзгартириш ишларини тартибга солиш;

халқимизнинг қадимий ўтмиши ва қадриятлари билан боғлиқ жойларнинг та-

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

рихий номларини муҳофаза этиш, уларнинг асоссиз равишда ўзгартирилишининг олдини олиш;

жой ва объектларнинг тарихий-миллий анъаналаримизга, миллий тафаккур ва маънавиятимизга ёт бўлган номларини ўзгартириш;

янги қўйилаётган жой номлари ўзбек тили топонимия қондаларига, миллий истиқлол ғояси талабларига мос бўлишини таъминлаш;

жойларга ном беришда маҳаллийчилик, таниш-билишчилик, мансабини суистеъмол қилиш ҳолатларига йўл қўймаслик — Ўзбекистон Республикасидаги топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи Республика комиссиясининг (кейинги ўринларда матнда Комиссия деб юритилади) асосий вазифаларидир.

2. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

3. Комиссия ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ:

ном қўйиш таклифини киритган ташкилотлардан топонимик объектларни тавсифловчи барча зарур ҳужжатларни талаб қилиб олади;

хизмат кўрсатган одамларнинг хотираларини абадийлаштириш масалалари бўйича тегишли ҳокимият органларига тавсиялар беради, зарур бўлган ҳолларда вақтинчалик экспертлар гуруҳини тузади;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича барча даражадаги ижроия ҳокимият ва тегишли бошқарув идоралари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб боради.

4. Комиссия топонимик объектларга ном бериш ва илгари қўйилган номларни ўзгартириш ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг, вазирликлар ва идораларнинг таклифларини тарихчилар, тилшунослар, меъморлар ва бошқа соҳа мутахассисларини бу ишга жалб қилган ҳолда кўриб чиқади. Комиссия ўз хулосаларини белгиланган тартибда таклиф киритган ташкилотларга, мамлакат аҳамиятига молик объектлар бўйича эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маълум қилади.

5. Комиссия ном бериш ҳақидаги таклифларни кўриб чиқишда:

халқнинг тарихий-миллий анъаналари, ҳис-туйғулари, ахлоқий қадриятларини ва аҳолининг истакларини ҳисобга олади ҳамда бунда умумдавлат манфаатларидан келиб чиқади;

берилаётган янги номнинг ўзбек топонимия тизимининг талаблари ва тил қонуниятларига зид келмаслигини инобатга олади;

давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда меҳнат жамоаларининг мулоҳазаларини ўрганади.

6. Комиссия заруратга қараб ўз мажлисларини ўтказиши ва қарорларини баён шаклида расмийлаштиради. Комиссия аъзоларининг ярмидан кўпи қатнашган комиссия мажлиси қарор қабул қилишга ваколатли ҳисобланади. Қарор қабул қилиниши учун мажлисда қатнашаётган комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми уни маъқуллаши керак,

Айрим ҳолларда комиссия қарорлари сўров йўли билан расмийлаштирилиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **364** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Товар-хом ашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 31 майдаги 251-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 11 август,  
384-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 11 августдаги 384-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 мартдаги 165-сон қарори билан тасдиқланган Нархлар (тарифлар)ни шакллантириш ва уларнинг қўлланишини назорат қилиш тартибида:

а) 2-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Мазкур Тартиб биржаларнинг биржа битишувларидан ундириладиган воситачилик йиғимлари миқдорини шакллантиришда ҳам қўлланади»;

б) 20-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«биржа битишувларидан ундириладиган воситачилик йиғими чекланган миқдорининг товар-хом ашё биржалари томонидан ошириб юборилиши».

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги 66-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 14-модда) билан тасдиқланган Биржа фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 6-бандида:

а) «б» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«б) ишлаб турган электрон биржа савдо тизими мавжудлиги»,

б) «е» кичик бандининг иккинчи ва учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан бериладиган биржа савдосининг профессионал қатнашчиси шаходатномасига эга бўлган биржа аъзоларининг биржа савдоларига қўйилиши (фонд биржаларидан ва бошқа биржаларнинг фонд бўлимларидан ташқари);

инвестиция институтлари сифатида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган биржа аъзоларининг фонд биржасида (бошқа биржаларнинг фонд бўлимларида) биржа савдоларига қўйилиши»;

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

- в) «ж» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:
- «ж) биржа савдоларида фақат олдиндан эълон қилинадиган, истеъмолчилар ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар кенг танишиши мумкин бўлган биржа бюллетенига киритилган товарларни сотиш, айни пайтда олдиндан эълон қилинадиган биржа бюллетенига киритилмаган товарларни сотиш тақиқланади»;
- г) қўйидаги мазмундаги «м» — «р» кичик бандлар қўшилсин:
- «м) биржа савдоларини фақат Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча биржа аъзолари бир пайтда ва тенг киришини таъминловчи электрон тизимда ўтказиш;
- н) биржа савдоларининг электрон тизими томонидан автоматик равишда тузиладиган ҳамда товар номи, ўлчов бирлиги, лотлар сони, операция тури, товарнинг савдога қўйилган нархи ва битишув рўйхатдан ўтказилган нарх, Incoterms қоидаларига мувофиқ товарни етказиб беришнинг базис шартлари, битишув томонлари, битишув амалга оширилган аниқ вақт кўрсатилган, электрон протоколлар тарзида киритилган битишувлар тўғрисидаги ахборотни уч йил мобайнида сақлаш;
- о) биржа бюллетенларига фақат бир хил стандартга, бир турдаги хоссаларга эга бўлган, улгуржи туркумлар билан сотиладиган ҳамда олдиндан кўздан кечиришни талаб қилмайдиган биржа товарларини киритиш;
- п) биржада камида 100 та сотилган (текин берилган) брокерлик ўрни мавжуд бўлиши;
- р) товар-хом ашё биржалари раҳбарларига қўйиладиган малака талабларига риоя этиш».

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **366 Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Товарларни импорт қилиш ва уларни сотиш билан шуғулланувчи жисмоний шахслар фаолиятини янада тартибга солиш, савдонинг уюшган, маданиятли шакллари ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахслар («четдан товар олиб келувчилар»):

экспорт-импорт операцияларини ва чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи билан юридик шахс бўлмасдан яқка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатдан ўтишлари шарт;

«Эркин муомалага чиқариш» режимида расмийлаштирилган юк божхона декларацияси, мувофиқлик сертификатлари мавжуд бўлганда, божхона ва бошқа тўловлар тўланган тақдирда буюм бозорларида яқка тартибдаги тадбиркорнинг фақат ўзи бевосита олиб келган импорт товарлар билан чакана савдони амалга оширишга ҳақлидирлар.

2. 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб тижорат фаолияти учун мўлжалланган то-

варларни олиб келувчи жисмоний шахслар («четдан товар олиб келувчилар»)ни юридик шахс бўлмасдан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш жисмоний шахснинг яшаш жойидаги туманлар (шаҳарлар) Давлат солиқ инспекцияларида (ҳозир бўлиш тартибида) амалга ошириладиган тартиб белгилансин.

Юридик шахс бўлмасдан, импорт товарларни олиб келувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ўз фаолиятини амалга ошириш учун:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида ва божхона органларида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчилари сифатида рўйхатдан ўтишлари;

тижорат банкида ҳисоб рақамлари очиши;

экспорт-импорт операцияларини ва чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқига рухсатномани белгиланган тартибда расмийлаштириши;

давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги солиқ органларидан импорт операциялар субъектининг ҳисобга олиш картасини олиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Давлат божхона қўмитаси, Марказий банки, Адлия вазирлиги юридик шахс бўлмасдан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келаётган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялар субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги низомни 2004 йил 1 сентябргача бўлган муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

Юридик шахс бўлмасдан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келаётган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларга риоя этилиши учун шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва ҳудудий солиқ органларининг биринчи раҳбарлари зиммасига юклансин.

3. Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларида илгари давлат рўйхатидан ўтган юридик шахс бўлмасдан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келаётган якка тартибдаги тадбиркорлар 2004 йил 1 ноябргача бўлган муддатда яшаш жойидаги туманлар (шаҳарлар)нинг Давлат солиқ инспекцияларида қайта рўйхатдан ўтишлари шарт.

4. Юридик шахс бўлмасдан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келаётган якка тартибдаги тадбиркорлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун туманлар (шаҳарлар) солиқ инспекциялари томонидан энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида рўйхатдан ўтказиш йиғими ундирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб:

юридик шахс бўлмасдан товарлар импорти билан шуғулланаётган якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳисобга олиш регистри юритилишини, унга содир этилган импорт операциялари ва бюджетга тегишли тўловлар тўғрисидаги маълумотлар киритилишини;

белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ва регистрга киритилган якка тартибдаги тадбиркорларга импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталари берилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги юридик шахс бўлмасдан товарлар импорти билан шуғулланаётган якка тартибдаги тадбиркорлар-



ни рўйхатдан ўтказсин, 1 йил муддатга тегишли гувоҳнома берган ҳолда уларни ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчилари реестрига тегишли ҳисобга олиш тартиб рақами билан киритсин.

7. Белгилансинки, мазкур қарор чиққунга қадар яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинган ва «Вақтинча сақлаш» режимида жойлаштирилган товарларнинг божхона расмийлаштируви илгари белгиланган тартибда амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 12 август,  
387-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**367** **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 22 январдаги 37-сон қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида**

Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 22 январдаги 37-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 1-сон, 10-модда) 4-банднинг тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 13 август,  
390-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **368 Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури қатнашчилари бўлган корхоналар сонини кенгайтириш, шунингдек ракобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган янги лойиҳаларни киритиш тартиб-қоидаларини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш комплекс дастурини амалга ошириш масалалари бўйича махсус комиссия (Ў. Султонов) Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари иштирокида Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури рўйхатлари ва параметрларига тузатишлар киритиш масалалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига тушган таклифларни, заруриятга кўра, бироқ йилнинг ҳар чорагида камида бир марта кўриб чиқсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 13 август,  
391-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 13 августдаги 391-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2005 йиллар даврида Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 14 январдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури (кейинги ўринларда матнда Маҳаллийлаштириш дастури деб юритилади) рўйхатлари ва

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

параметрларига тузатиш киритиш бўйича таклифларни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш тартибини белгилаб беради.

2. Маҳаллийлаштириш дастурига тузатиш киритиш:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 январдаги 18-сон қарорига 1—4-иловаларга киритилган лойиҳаларнинг айрим параметрларини ўзгартириш;

кўрсатиб ўтилган қарорга 1—4-иловаларга киритилган лойиҳаларни чиқариб ташлаш ёки шундай мақсаддаги муқобил лойиҳалар билан алмаштириш;

республика корхоналарида ишлаб чиқариш-техник ва истеъмол мақсадидаги материаллар ва буюмларни, шу жумладан кўрсатиб ўтилган қарорга 5-иловага киритилган материаллар ва буюмларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича янги лойиҳаларни киритиш бўйича асосланган таклифлар асосида амалга оширилиши мумкин.

3. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, маҳаллийлаштириш лойиҳалари ташаббускорлари бўлган хўжалик юритувчи субъектлар Маҳаллийлаштириш дастурига тузатиш киритиш бўйича ишлаб чиқилган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментига (кейинги ўринларда матнда Департамент деб юритилади) киритадилар.

4. Департамент лойиҳанинг мақсадларидан, уни молиялаштириш манбаларидан ва таклиф этилаётган тузатишнинг моҳиятидан келиб чиқиб тушган материалларни қўйидаги тегишли ваколатли экспертиза органларига кўриб чиқиш учун юборади:

а) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига:

лоyiҳанинг Маҳаллийлаштириш дастури мақсадлари ва вазифаларига мувофиқлиги;

лоyiҳани амалга ошириш имкониятлари;

ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг талаб этилиши;

маҳаллийлаштиришнинг таклиф этилаётган даражасига эришиш имкониятлари;

лоyiҳанинг айрим параметрларини чиқариб ташлаш ёки ўзгартиришнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан лойиҳани амалга оширишнинг умумий иқтисодий мақсадга мувофиқлигини баҳолаш учун;

б) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига (лоyiҳа молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига амалга оширилган ҳолларда) — иқтисодий самарадорликни келишиш учун;

в) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига:

таклиф этилаётган маркетинг концепцияси;

маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотни сотиш, шу жумладан уни экспорт қилиш истикболлари;

технология даражаси ва экспорт қилинадиган технологик асбоб-ускуналар, хом ашё ва материаллар ҳамда хизматлар нархларининг чекланган параметрлари;

лоyiҳанинг айрим параметрларини чиқариб ташлаш ёки ўзгартиришнинг мақсадга мувофиқлиги асосида лойиҳани амалга оширишнинг самарадорлиги ва имкониятларини баҳолаш учун;

г) ваколатли банкка (лоyiҳа молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига амалга оширилган ёки тижорат банкларининг кредитлари жалб этилган ҳолларда) — лойиҳанинг иқтисодий асосланганлигини, молиялаштиришнинг так-

лиф этилаётган схемаси мақбуллигини, таваккалчиликларни баҳолаш ва кредитнинг қайтарилишини аниқлаш учун.

5. Таклифларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган ваколатли органлар томонидан баҳоланиши ариза берувчи (лойиҳа ташаббускори) томонидан қуйидаги ҳужжатлар:

а) Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш таклиф этилаётган лойиҳалар учун — Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш комплекс дастурини амалга ошириш масалалари бўйича махсус комиссия (кейинги ўринларда матнда Махсус комиссия деб юритилади) томонидан тасдиқланган шакл бўйича тузилган лойиҳанинг паспорти;

б) Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳаларнинг айрим параметрларига тузатиш киритиш учун — айрим параметрларга тузатиш киритиш зарурлигини асослайдиган қайднома, таҳлилий ва жадвал материаллари билан биргаликда;

в) Маҳаллийлаштириш дастуридан чиқариб ташлаш таклиф этилаётган лойиҳалар учун — лойиҳани Маҳаллийлаштириш дастуридан чиқариш зарурлиги асосланган қайднома, таҳлилий ва жадвал материаллари ва, мавжуд бўлган тақдирда, уни муқобил лойиҳа билан алмаштириш имконияти тўғрисидаги таклифлар билан биргаликда расман киритилгандан кейин икки ҳафта муддатда амалга оширилади.

6. Кўрсатиб ўтилган муддат мобайнида ваколатли экспертиза органлари лойиҳаларнинг ташаббускорлари билан биргаликда тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқадилар ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ лойиҳаларнинг ҳужжатларида ноаниқликлар аниқланган тақдирда, уларни пухта ишлашда ариза берувчига кўмаклашадилар.

7. Лойиҳа ташаббускорларидан лойиҳа паспортида назарда тутилмаган қўшимча ахборот тақдим этилишини талаб этишга йўл қўйилмайди.

8. Департамент тушган таклифларни ваколатли органларнинг ижобий хулосалари билан биргаликда умумлаштиради ва уларни кўриб чиқиш учун Махсус комиссияга киритади.

Бир ёки ундан ортиқ ваколатли экспертиза органларининг хулосаси салбий бўлган тақдирда, Департамент кўриб чиқиш учун Махсус комиссияга тегишли хулоса киритади.

9. Махсус комиссия Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари иштирокида ўзининг, заруриятга кўра, бироқ йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ўтказиладиган мажлисларида тушган таклифларни кўриб чиқади ҳамда Маҳаллийлаштириш дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида мажлис қарори қабул қилади.

10. Махсус комиссиянинг мажлис қарори асосида Департамент томонидан Маҳаллийлаштириш дастури рўйхатига (параметрларига) тузатишлар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг Маҳаллийлаштириш дастури рўйхатига (параметрларига) тузатишлар киритиш тўғрисидаги қарори Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан имзоланади.

11. Лойиҳа Маҳаллийлаштириш дастуридан чиқариб ташланган тақдирда, лойиҳани амалга оширувчи корхона Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг лойиҳани Маҳаллийлаштириш дастуридан чиқариб ташлаш тўғрисидаги қарори кучга кирган пайтдан бошлаб Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 январдаги 18-сон қарорида назарда тутилган тегишли солиқ ва божхона имтиёзларидан маҳрум этилади.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**369 Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
13 августда 773-17-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 23 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 1999 йил 22 майдаги 10/4-сон қарори билан тасдиқланган (1999 йил 13 июль 773-сон билан рўйхатга олинган) «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин ва унинг янги таҳрири иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб 10 кундан сўнг кучга киради.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк Раисининг биринчи ўринбосари М. Жумагалдиев зиммасига юклатилсин.

**Марказий банк Бошқаруви Раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 17 июль,  
15/3-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2004 йил 7 августдан 13 августгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 17 июлдаги 15/3-сонли қарори (янги таҳрирда).*

*2004 йил 13 августда 773-17-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 23 августдан кучга киради).*